

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХСАНОВ ҚУДРАТИЛЛО НОЗИМОВИЧ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ  
ҲАМДА УНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит  
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 336.2:334.75(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical Sciences**

**Тўхсанов Қудратилло Нозимович**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа  
тортишни такомиллаштириш..... 3

**Тухсанов Қудратилло Нозимович**

Совершенствование налогообложения деятельности субъектов малого  
бизнеса и частного предпринимательства..... 29

**Tukhsanov Kudratillo Nozimovich**

Improving taxation of small and private businesses activities ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.16.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХСАНОВ ҚУДРАТИЛЛО НОЗИМОВИЧ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ  
ҲАМДА УНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит  
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt.39 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хайдаров Низамиддин Хамраевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошматов Шухрат Амонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ахунжанов Умиджон Махамадумарович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат  
солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака  
ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жаҳон мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигининг муҳим омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) га аъзо мамлакатлардаги мавжуд корхоналарнинг 99 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Ушбу ташкилотга аъзо мамлакатларда аҳоли бандлигининг 60 фоизи, қўшилган қийматнинг 50 фоиздан 60 фоизгача қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган иш ўринлари 2010-йилдан 2016 йилгача бўлган даврда умумий яратилган янги иш ўринларининг Францияда 90 фоизи, АҚШда 75 фоизи, Германия ва Буюк Британияда 66 фоизини ташкил этган. Шу билан бирга, сўнгги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида ИХТТ аъзо давлатларида корпоратив бизнес ва кичик бизнес субъектлари учун умумбелгиланган ва махсус солиқ режими шароитида солиқ юкини текис тақсимлашга йўналтирилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида инқироздан кейинги даврдаги ривожланиш фазасига чиқиш билан боғлиқ ислоҳотларда ялпи талабни самарали рағбатлантиришнинг муҳим инструментларидан бири сифатида солиқ тизимида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим драйвери сифатидаги ролига таянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг фискал ва монетар инструментлари кенг ноанъанавий усулларида фойдаланилмоқда. Хусусан, постиндустриал цивилизация шароитида рақамли бизнес соҳасидаги кичик бизнес субъектларини солиққа тортишда ягона ахборот маконига асосланган виртуал механизмни шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотлар кузатилмоқда. Шунингдек, виртуал ахборот макони шароитида “Ягона солиқ” назарияси тараққиётидаги концептуал йўналиш истеъмолдан олинган ягона солиқ<sup>2</sup> механизмининг дастурий маҳсулларини шакллантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий бўғинида солиқ соҳасидаги ислоҳотлар турибди. Мамлакатимизда “Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқиш”<sup>3</sup> га эътибор қаратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан эришилган натижаларни таҳлил қилиш билан биргаликда ушбу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар

<sup>1</sup>Қаранг. <https://oecd.org/industry-and-services/oecd-sme-and-entrepreneurship-outlook-201934907e9c-n# page 113>.

<sup>2</sup>Қаранг. <https://taxfoundation.org/corporate-tax-rates-around-world-2018>.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.

ҳам анча самарали бўлди. Республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши ва улар фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, босқичма-босқич миллий иқтисодиётга жорий этиб келинмоқда. Пировардида, мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2018 йилга келиб, 59,4 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4386-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш борасида бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар изланишлар олиб борган. Хусусан, А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, М.Лоренц ва ҳозирги замон олимларидан А.Лаффер, И. Александров, В.Пансков, И.Майбуров, Н.Миляков, В.Князев, В.Карпов, Д.Черник ва Т.Юткина<sup>4</sup>нинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш муаммоларини айрим жиҳатларини маҳаллий иқтисодчи олимлардан О.Абдурахмонов, М.Алмардонов, А.Ваҳобов, Э.Гадоев,

---

<sup>4</sup> Петти У. Трактат о налогах и сборах. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997. -346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. – М.: 1962 г.-408с.; Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. -360с.; Александров М. Налоги и налогообложение: Учебник. –7-е. изд., перераб. и доп.-Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». – М., 2007. – 314 с.; Гусева С.М. Упрощенная система налогообложения: Учебник. - М.: ЕНВД 2004. –112-с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. -336с.; Майбуров И. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2007. –655 с.; Миляков Н. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: Инфра-М, 2007. - 507с.; Черник Д. Введение в экономико-математические модели налогообложения. – М.: Финансы и статистика, 2000. -256 с.; Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002. -576 с.; Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебник – М.: МЦФЭР, 2007. -528-с.

Н.Хайдаров, В.Галкин, А.Жўраев, Ж.Зайналов, Т.Маликов, О.Олимжонов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, З.Курбонов, Н.Кузиева ва Қ.Яхъёев<sup>5</sup>нинг илмий ишларида ўрганилган.

Шунингдек, И.Ниязметов, Ш.Тўраев, О.Ғайбуллаев, Н.Ашурова, А.Ботиров ва Ж.Ўрмоновнинг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш масалалари ўрганилган, таҳлил ва тадқиқ қилинган<sup>6</sup>.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ўрта истиқболга мўлжалланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш амалиётини комплекс ва тизимли тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университетининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иқтисодий моҳиятини давр талабига мос равишда ўрганиш;

---

<sup>5</sup> Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.; Ваҳобов А., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2003.- 400 б.; Ваҳобов А., Жўраев А., Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. - 448 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 38 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002.- 204 б.; Яхъёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003.–247.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодий бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.- 128 б.; Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. Академия. – Т., 2007. -214 б. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кўчайтириш муаммолари / и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2008. -38 б.

<sup>6</sup>Ниязметов И.М. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири / и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. УДҚ: 336.221 (575.1); Тўраев Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари / и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ББК: 65.9 (5У)261.3.-91 б; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. - 204 б.; Ғайбуллаев О.З. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари / и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2004.,-20 б. Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари / илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2012. - 23 б. Ўрмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари / и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010.,-23 б.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш билан боғлиқ назарияларни қиёслаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг халқаро хусусиятларини таққослаш;

республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ва такомиллаштириш юзасидан хулосалар чиқариш ва илмий тасиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти бўлиб** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, корреляцион-регрессион таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

солиқ интизомига қатъий риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларини махсус солиқ тўловчилар категориясига киритиш мезонлари ҳамда вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътилини белгилаш муддатлари таклиф қилинган;

кичик бизнес субъектларининг дастлабки авансланган капитали ҳисобига инвестицион фаолликни солиқ механизми орқали рағбатлантириш ва вақтинчалик молиявий қийинчиликлар давридаги фискал босимни нейтраллаштиришга йўналтирилган мораторий жорий этиш мақсадида ягона солиқ тўлови бўйича муайян давр мобайнида солиқ таътиллари бериш асосланган;

кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш жараёнлари солиқ идоралари ва солиқ маслаҳатчилари томонидан солиқ ҳисоботларини тузиш ҳамда кичик бизнес субъектларида онлайн режимида ишловчи электрон назорат-касса машиналарини автоматлаштирилган тарзда мониторинг қилиш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнес субъектларининг солиқ солишининг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезони муайян даврга товарлар айланмасининг умумий ҳажми кўрсаткичини киритиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“инсофли солиқ тўловчи” тушунчасини солиқ қонунчилигига киритиш ва улар сафига охирги икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келган солиқ тўловчилар киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

ягона солиқ тўловини тўловчиларнинг алоҳида категорияси учун вақтинчалик молиявий қийинчиликлар даврида муайян муддатга солиқ таътиллари бериш тавсия этилган;

кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари муайян даврга товарлар айланмасининг умумий ҳажмидан келиб чиқиб табақалаштирилган;

кичик бизнес субъектлари томонидан солиқ ҳисоботларини тузишдаги мураккабликлар туфайли тизимли равишда учраётган хатоликларни бартараф этиш мақсадида, солиқ ҳисоботларини солиқ идоралари ёки солиқ маслаҳатчилари томонидан тузиш бўйича ҳамда кичик бизнес субъектларида онлайн режимида ишловчи электрон назорат-касса машиналарининг автоматлаштирилган мониторинг қилиш дастурини жорий этиш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда фойдаланилган маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг солиққа тортиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва кичик бизнес субъектлари ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти Республика солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклифлар, амалий тавсияларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ва “йўл харита”лари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг тегишли натижаларидан “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молия ва солиқлар” каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

солиқ қонунчилигига “инсофли солиқ тўловчи” тушунчасини киритиш, ушбу турдаги солиқ тўловчиларга охирги икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келган солиқ тўловчилар киритилиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-455-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 2 октябрдаги 14-21506-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши солиқ тўловчилар

фаолиятини баҳолаш мезони асосида гуруҳлаш учун асос бўлиб хизмат қилган;

вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътили бериш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатгача тақдим этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-455-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 2 октябрдаги 14-21506-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя қилган солиқ тўловчиларни рағбатлантиришнинг янги механизми жорий қилинган. Шунингдек, ушбу гуруҳ солиқ тўловчиларни молиявий қийинчиликларга дуч келган шароитларда молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида солиқ тўловчилар фаолиятини давом эттириш учун қулай имконият яратишга эришилган;

кичик бизнес субъектлари томонидан солиқ ҳисоботларини тузишдаги мураккабликлар туфайли тизимли равишда учраётган хатоликларни бартараф этиш мақсадида, солиқ ҳисоботларини солиқ идоралари ёки солиқ маслаҳатчилари томонидан тузиш бўйича ҳамда кичик бизнес субъектларида онлайн режимида ишловчи электрон назорат-касса машиналарининг автоматлаштирилган мониторинг қилиш дастурини жорий этиш юзасидан таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 2 октябрдаги 14-21506-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун сервис хизматларини кўрсатиш ҳамда улар фаолиятини онлайн мониторинг қилиш орқали солиқ базасини аниқлаш жараёнидаги муаммоларни баратараф этишга эришилган;

кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларига муайян даврга товарлар айланмасининг умумий ҳажмидан келиб чиқиб аниқлаш тартибини жорий этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 2 октябрдаги 14-21506-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида кичик бизнес субъектларининг ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш, бунда, йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори ҳар 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиш меъёри қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациялардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий қўлланма, 9 та мақола, 14 та тезис, жумладан хорижий журналларда иккита мақола ва иккита тезис, республика журналларида еттита мақола ва 12 та тезис, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган нашрларда еттита республика, иккита хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, саккизта параграфни ўзида мужассамлаштирган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти**» деб номланиб, иқтисодий ислохотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шаклланиш ва ривожланиш босқичлари; Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият мезонлари ва улар фаолиятини солиққа тортишнинг белгиланиши ўрганилган.

Ягона солиқ назарияси ҳақидаги ғояларнинг негизида асосан солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили ётиши эътироф этилади<sup>7</sup>. Адолатлилик тамойилида солиқ тўловчилар ўртасида солиқ юкининг текис тақсимланиши, имтиёзларнинг асослилиги ва шунингдек, турли капитал сифимига асосланган тадбиркорлик субъектлари учун бир хил трансакцион харажатлар учун шарт шароит яратилишда намоён бўлади. Ушбу фикр кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқнинг жорий қилиниши, солиқ механизмини соддалаштириш имкониятига таянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайлик сифатидаги вазифасининг амалий ифодаси ҳисобланади.

---

<sup>7</sup> Пушкарёва В.М. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 256 с. – ISBN 5-279-02390-6. – С.144.

Ягона солиқ ҳақидаги назарияда унинг манбаини янгидан яратилган қийматни қиймат эквивалентида тақсимловчи даромаддан олинадиган солиқларга таянади. Демак, ягона солиқ тизими аввало солиқ механизмини соддалаштириш мақсадидаги даромаддан олинадиган солиқни жорий қилишга асосланади.

Лекин тарихий ретроспективада, ягона солиқ назарияси асосан ягона акциз солиғи назарияси деб аталувчи оборотдан олинадиган солиқ механизмига асосланади. Физиократлар эса ердан соф даромад ҳақидаги қарашларига асосланиб, ер рентаси ягона солиқнинг ягона объектив бўлиши кераклигини илгари сурган<sup>8</sup>. Ушбу ягона солиқ кадастр ва ернинг ундумдорлиги асосида аниқланиши белгиланган. Франсуа Кенэ ягона солиқнинг даражаси 2/7 нисбатгача бўлишини эътироф этган.

Ягона солиқ назариялари солиқларнинг моҳияти, табиати, уларнинг жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, роли ва аҳамияти тўғрисида илмий билишнинг махсус тизимини ўзида мужассамлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, солиқ назариялари давлатнинг солиқ тизимини куриш учун турли хил моделлар бўлиб, улар солиқларни бу ёки бошқа мақсадлар учун тан олинишига боғлиқ.

### 1-жадвал

#### Ягона солиқ назарияси ҳақидаги илмий қарашлар<sup>9</sup>

№	Назариялар номлари	Мазмуни	Назарияларни илгари сурган иқтисодчилар
1.	Айланмадан олинадиган ягона солиқ назарияси	Ягона акциз солиғи ҳақидаги илк қарашлар	Меркантилистлар А. Монкретьён, Т. Ман, Ж. Колбер
2.	Рента тавсифидаги ягона солиқ назарияси	Ягона ер солиғи ҳақидаги илк қарашлар	Физиократ Ф.Кенэ, Г. Жорж
3.	Капиталга нисбатан ягона солиқ назарияси	Мулкый тавсифадаги реал ягона солиқ ҳақидаги қарашлар (Аккорд солиқлари)	Э. Жирарден
4.	Даромадга ягона солиқ назарияси	Даромаддан олинадиган ягона солиқ ҳақидаги қарашлар	Э.Селигман
5.	Харажатларга нисбатан ягона солиқ назарияси	Истемолдан олинадиган ягона солиқ назарияси	И. Фишер и Н. Калдор

Колумбия университети профессори Э.Селигман ягона солиқ тизими ҳақидаги илмий қарашларида яқин истиқболда даромаддан олинадиган ягона солиқ механизми оптимал солиққа тортиш тизимини ўзида мужассамлаштириши билан барча солиқларни ўрнига жорий этилишини эътироф этиб ўтади<sup>10</sup>.

Демак, объектив иқтисодий категория сифатида ягона солиқ назарияси хусусий солиқ назарияси тараққиёти парадигмасидаги илмий қарашлар негизида шаклланиб борди.

Ягона солиқ назариясининг эволюцион тарихий тараққиёти тасдиқлайдики, ушбу солиқ механизми турли иқтисодий мактаб намоёндаларининг фундаментал қарашларининг негизини ташкил қилган.

<sup>8</sup> Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 256 с. – ISBN 5-279-02390-6. – С.11.


<sup>9</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

<sup>10</sup> Блауг М. Селигмен, Эдвин Роберт Андерсон // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2008. – 352 с. – С. 263-265.

Замонавий шароитларда ушбу қарашларга асосланган ҳолда даромаддан, капиталдан олинадиган ягона солиқ механизми ва шунингдек, рента тавсифидаги ягона солиқ механизми ривожланиб борган.

XXI асрнинг дастлабки чорагида “Молия” фани тараққиётида “Хулқ атвор молияси”нинг ривожланиш тенденцияси рақамли иқтисодиётга асосланган маконга адекват молия тизимини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитларидан бири ҳисобланади<sup>11</sup>.

Бундай шароитда молия тизимининг барча бўғинлари қатори солиқ тизимидаги ислохотларда солиқ маъмурчилиги элементларини оптималлаштириш ҳисобибагина эмас, балки, “Солиқ тўловчиларнинг хулқ атвори”га асосланган солиқ механизми шакллантириш, замонавий иқтисодий маконга хос солиқ тизимини шакллантириш, солиқ интизомини мустаҳкамлашнинг конструктив асосини ташкил қилиши кераклиги ишда асосланган.



**1-расм. Солиқ тўловчиларни солиқ тизимига оид хатти-ҳаракат моделининг ташкилий чизмаси<sup>12</sup>**

<sup>11</sup>Ричард Талер. Новая поведенческая экономика. Почему люди нарушают правила традиционной экономики и как на этом заработать = Misbehaving: The Making of Behavioral Economics. – Эжсмо, 2017. – 368 с.

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Солиқ тўловчилар солиқ тўлашдан қочиши эмас, балки, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак”<sup>13</sup>-деган давъатлари фикримизнинг мантиқий асосини ташкил қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчиларнинг солиқ тизимига оид модели 1-расмда келтириб ўтилган.

Келтирилган 1-расмга мувофиқ, ҳатти-ҳаракат иккита йўналишда таснифланиб, солиқ тўловларига кўра солиқ тўловчиларнинг ҳулқ атвори тўртта элементга асосланган деградацияси келтирилган. 2,3,4 деградацияга тушадиган солиқ тўловчилар категорияси Қонун нормаларига мувофиқ ҳатти-ҳаракатларига уларни инсофли солиқ тўловчилар категориясига кирувчилар сифатида эътироф этилади.

Мазкур ҳолатда солиқ тўловларини минималлаштириш сифатида мавжуд иқтисодий дастаклардан (имтиёз ва преференциялар) қонуний равишда фойдаланиш эвазига солиқ тўловларини оптималлаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, амалдаги солиқ режимига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш омилларини қайта тизимлаштириш орқали солиқларни режалаштириш амалдаги дастак ва усуллар воситасида ташкил қилинади. Демак, амалдаги солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилиш натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ интизомига риоя қилишини таъминловчи солиқ механизми дастаклари ва усулларини шакллантириш солиқ тўловчилар учун солиқдан қочиш эмас, балки уларни тўлашдан манфаатдорлигини таъминлашнинг иқтисодий асосини ташкил қилади.

Замонавий шароитда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу солиққа тортиш тартиби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун жорий этилган бўлиб, унинг мақсади солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлар учун солиқни ҳисоблаш тизимини соддалаштиришни назарда тутати.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига оид илмий қарашларни тадқиқ қилиш ва илмий абстракциялаш натижасида унинг афзаллик ва камчиликлар, шунингдек, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги мавжуд рисклар 2-расмда акс эттирилган.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий фискал омилларидан бири сифатида бир қатор рискларни ҳам келтириб чиқаради. Ушбу рисклар 2-расмда келтириб ўтилган. Масалан, рус иқтисодчиси Алексей Кудрин Россиядаги мавжуд махсус ягона солиқ режими мамлакатдан капитални четга чиқиб кетишини рағбатлантирувчи ички фискал омиллардан бири эканлигини таъкидлайди<sup>14</sup>.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 2018 йил 28 декабрь.

<sup>14</sup> Кудрин А. Три задачи на два года // «Коммерсантъ» № 47 от 21.03.2018, стр. 1

Шунингдек, ягона солиқ назарияси ҳақидаги илк қарашларда ушбу солиқ механизмининг мақсади камбағалликка барҳам бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг изчил тараққиётини таъминлаш орқали мамлакатдаги ишсизлик билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни бартараф қилишга фискал рағбат<sup>15</sup> яратиш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар негизида республикада солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўлловчи тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонлари бўйича янги иш ўринларини яратиш контекстида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4725-сонли фармонида мувофиқ, 2015 йил 1 июлдан яқка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.



**2-расм. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби: афзаллик ва камчиликлари ҳамда рисклар<sup>16</sup>**

Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сонли қарори билан

<sup>15</sup> Ефимова Л.А. Экономика общественного сектора. – Нижний Новгород: НГУ, 2009.-115 с.

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

тасдиқланган “Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2015 йил 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкаси 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

Яқка тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаганда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

## 2-жадвал

### Кичик бизнес субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонлари<sup>17</sup>

Тармоқлар	09.04.1998 ПФ-1987 Ўртача йиллик ишчилар сони	15.05.2009 ПҚ-1112 + 30 фоизга касаначилар	28.07.2010 ПФ-4232 + 20 фоизга битирувчилар
<b>Микрофирмалар</b>			
Ишлаб чиқариш тармоқларида	20 кишидан	+6 киши	+4 киши
Ҳизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда	10 кишидан	+3 киши	+2 киши
Улгуржи, чакана савдо ва умумий оқатланиш соҳасида	5 кишидан	+2 киши	+1 киши
<b>Кичик корхоналар</b>			
Енгил саноати, озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида	200 кишидан	+60 киши	+40 киши
Металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида	100 кишидан	+15 киши	+10 киши
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш	50 кишидан	+15 киши	+10 киши
Илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий оқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	25 кишидан	+8 киши	+5 кишидан

Кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони юқоридаги 2-жадвалда келтириб ўтилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилган рўйхат рақами 2858-сонли “Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низом билан белгиланади.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сонли Қонунига мувофиқ, муаллиф томонидан тузилди.

Олиб борилган илмий изланиш ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмаслиги натижасида давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда ноаниқликлар маълум маънода “яширин иқтисодиёт”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият мезонини белгилашда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу хўжалик субъектларида фаолият юритувчилар мезони билан бирга товар айланмаси (оборотни)ни ҳам киритиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига замонавий бозор механизмларини қўллашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг иқтисодий таҳлили» деб номланган иккинчи бобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган солиқларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва таҳлили; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолати ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ юкини баҳолашнинг иқтисодий таҳлили келтирилган.

Республикада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда бир неча омиллар билан бирга, энг муҳим омил ҳисобланган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлайдиган ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ижобий таъсир этмоқда.



**3-расм. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ва ягона солиқ тўлови ставкасининг ўзгариш динамикаси, фоизда<sup>18</sup>**

3-расмга кўра, 2000-2018 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини пасайтириш, солиқнинг

<sup>18</sup> www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раий сайти маълумотлари асосида

рағбатлантириш функциясини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар натижасида ягона солиқ тўлови ставкасининг 2006 йилда 13 фоиздан 2012 йилдан бошлаб, 5 фоизга пасайтирилиши, хусусан, 2017 йилдан саноат корхоналари учун 5 фоизга ва 2017 йилдан қурилиш корхоналарига 5 фоизга пасайтирилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожидида муҳим туртки бўлди.

Демак, солиқ ставкалари пасайтирилиш билан параллел равишда, мавжуд солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари шахсий тасарруфидаги даромадларининг изчил ортиб боришига таъсир этди. Манфаатли бизнес учун яратилган фискал имкониятлар таъсирида ҳам соҳада фаолият олиб боровчи тадбиркорлик субъектлари ЯИМдаги улушининг ортиб бориши кузатилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун биргина ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар ва солиқ ставкалари жорий этилиши бюджетга тушумлар самарадорлиги пасайишига таъсир этган. Натижада солиқ тўловчиларнинг кенг спектри ва сони шароитида солиқ тушумларининг микдор кўрсаткичлари паст даражани ташкил этмоқда.

### 3-жадвал

#### Бухоро вилоятида солиқ тўловчилар ва улар тўлаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ҳолати<sup>19</sup>

№	Кўрсаткичлар	2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.		2018 й.	
		Сони	Солиқ тушуми млрд.сўм	Сони	Солиқ тушуми млрд.сўм	Сони	Солиқ тушуми, млрд.сўм	Сони	Солиқ тушуми, млрд.сўм	Сони	Солиқ тушуми, млрд.сўм
1.	Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар	6345	1256,3	7130	1502,9	7505	1 699,7	7658	401,5	2616	1983,8
2.	Соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар (фермер хўжаликларисиз)	17698	127,6	18366	155,4	19506	191,2	20603	216,9	24641	267,7
2.1.	Ягона солиқ тўлови	1934	88,0	2334	108,1	2974	131,4	3645	141,8	4 556	194,9
2.2.	Қатъий белгиланган солиқ	15764	39,6	16032	47,3	16532	59,8	16958	75,0	20 085	72,8

Бухоро вилоятида умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартибда солиққа тортишда солиқ тўловчилар ва тушумлар динамикасида турлича тенденциялар кузатилган. Хусусан, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 3 729 тага камайган бўлишига қарамай, улар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар 727,5 млрд.сўмга кўпайган.

Соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи хўжалик субъектлари (фермер хўжаликларисиз) сони 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 6 943 тага кўпайган, улар тўлаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари 140,1 млрд.сўмга ўсган. Шундан, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан ягона солиқ тўлови тўловчилари сони 2 622 тага кўпайиб, улар томонидан бюджетга

<sup>19</sup> Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси 106,9 млрд.сўмга, юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик субъектлари сони 4 321 тага кўпайиб, улар фаолияти учун тўлайдиган қатъий белгиланган солиқлари 33,2 млрд.сўмга ошган.

Муаллифнинг фикрича, солиқлар бўйича мавжуд солиқ механизмининг самарали фаолияти унинг функцияларига асосланган ҳолда ҳукумат томонидан юкланган вазифаларнинг ижроси орқали намоён бўлади. Миллий даромадларни тақсимлаш воситасида давлат бюджети даромадларини оптимал шакллантиришга йўналтирилган фискал вазифалар бевосита солиқ тўловчилар фаолияти тараққиётининг устувор йўналишларини рағбатлантиришга йўналтирилган иқтисодий вазифалар муштараклигида солиқ механизмининг самарали фаолияти таъминланади.

#### 4-жадвал

### Бухоро вилоятида содалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар солиқ тушумларида ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумлар ўзгариш динамикаси<sup>20</sup>

Кўрсаткичлар/йиллар	2014	2015	2016	2017	2018
Ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар улуши, %да	69,0	69,5	68,7	65,4	72,8
Қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумлар улуши, %да	31,0	30,5	31,3	34,6	27,2
Ягона солиқ тўлови бўйича тушумларни йиллик ўсиш динамикаси, %да	100,0	122,8	121,6	108,0	137,4
Қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларни улуши, %да	100,0	119,6	126,3	125,4	97,2

4-жадвал маълумотлари асосида кузатиш мумкинки, ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар йиллик ўсиш динамикаси 108,0-137,4 % интервалда тебранмоқда. Қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларнинг йиллик ўсиш динамикаси эса 2018 йил пасайиш тенденциясида 97,2 %ни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида эса юқори ўсиш 2016 йил 126,3 %ни ташкил қилган. Қатъий белгиланган солиқларни тўловчилар сони юқори бўлишига қарамай, уларнинг ҳар иккала солиқлар бўйича жами тушумлардаги улуши 27,2 % дан 34,6 % атрофида тебранмоқда.

Қатъий белгиланган солиқларни тўловчилар сони ошиши шароитида тушумлар улуши камайиши қуйидаги омилларга боғлиқлиги асосланди:

солиқ тўловчилар иқтисодий фаоллиги тез ўзгарувчан ҳисобланиб, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигининг амал қилиши, хусусан, гувоҳноманинг амал қилиш муддати бўлган, лекин фаолият юритмаётган тадбиркорларнинг солиқ қарздорлиги ойдан-ойга ошиб кетиш ҳолатлари кузатилган;


ушбу солиқ бўйича объект фаолиятга оид айрим физик кўрсаткичлар ҳисобланиб, фаолият асосидаги даромаднинг ўзгаришига бевосита боғлиқ эмас;

<sup>20</sup> Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ушбу солиқнинг амалдаги механизми илк ривожланиш фазасидагига нисбатан капитал сиғими кичик бўлган солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш хусусиятига эга бўлмаётир.

Ягона солиқ тўловлари бўйича тушумларнинг жами тушумлардаги улуши ортиб бориб, 2018 йилда 72,8 %ни ташкил қилмоқда.

Таҳлил қилинаётган солиқ турлари бўйича тушумлар самарадорлиги солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириши ёки солиқ юкининг ўзгаришига боғлиқ. Ушбу ҳолатнинг динамик таҳлили қуйидаги 4-расмда келтирилган.



#### 4-расм. Бухоро вилоятида ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларнинг хар бир солиқ тўловчиларга тўғри келадиган миқдори динамикаси<sup>21</sup>

Демак, ягона солиқ тўловининг хар бир солиқ тўловчига тўғри келувчи миқдори 2015 йилда 46,31 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилгача пасайиш тенденцияси кузатилиб 42,79 млн. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткични қатъий белгиланган солиқ тўлови бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилдан (2,51 млн. сўм) 2017 йилгача (4,42 млн. сўм) ўсиб борган ва 2018 йилда эса 3,63 млн. сўмга тушган.

#### 5-жадвал

#### Ягона солиқ тўлови тўловчилар сонининг солиқ тушумлари ўзгаришига эластиклигини ҳисоблаш

№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Ягона солиқ тўловчилари сонининг йиллик ўртача кўрсаткичи	2134	2654	3309,5	4100,5
2.	Ягона солиқ тўлови бўйича жами тушумлар, млн. сўм	98055,5	119754,7	136651,3	168413,3
3.	Солиқ тўловчилар сонининг йиллик мутлақ ўзгариши $\Delta YCT_{mc} = YCTTC_{n-1} - YCTTC_n$	400	640	671	911
4.	ЯСТ бўйича солиқ тушумларининг мутлақ йиллик ўзгариши, $\Delta YCT_{cm} = YCTCT_{n-1} - YCTCT_n$	20083,40	23315,10	10478,00	53046,10
5.	$\Delta YCT_{mc} / \text{Ўртача}$	0,19	0,24	0,20	0,22
6.	$\Delta YCT_{cm} / \text{Ўртача}$	0,20	0,19	0,08	0,31
7.	$E_{YCTJB}$	1,09	0,81	0,38	1,42

<sup>21</sup> Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида Бухоро вилоятида ягона солиқ тўловчи кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати ва улар томонидан тўланган ягона солиқ тўлови тушумлари самарадорлигини таҳлил қилиш учун жон бошига солиқ тушумлари ўзгаришининг эластиклиги коэффиценти ҳисобланган.

Ягона солиқ тўлови бўйича жами тушумларнинг эластиклиги коэффиценти (*E<sub>ЯСТЖБ</sub>*), 2015 йил (1,09) ва 2018 йиллар (1,42) мобайнида 1 дан юқори бўлган. 2016 йил (0,81) ва 2017 йилларда (0,38) 1 дан паст бўлган.

Демак, 2016-2017 йиллар мобайнида ягона солиқ тўлови бўйича солиқ тўловчилар сонининг йиллик ўртача ўсишига нисбатан солиқ тушумларининг йиллик ўсиши паст даражада бўлган. Лекин 2018 йилда солиқ тўловчилар сонига нисбатан солиқ тушумларининг йиллик ўсишининг кузатилиши билан боғлиқ сифат жиҳатдан самарадорлик қуйидаги омилларга боғлиқ бўлган:

кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаоллигининг янада жонланиши, паст самарадорликда ёки банкрот арафасидаги кичик корхоналарни молиявий соғломлаштириш тадбирлари ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш;

худудда юқори қўшилган қиймат ҳосил қилувчи тармоқлардаги кичик бизнес субъектларининг улуши ортиши ҳисобига солиқ тушумларининг сифат жиҳатидан самарадорлигининг ошиши;

кичик бизнес субъектлари томонидан яширин даромадларни легаллаштириш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш имкониятларини яратилиши;

ягона солиқ тўлови бўйича мавжуд ставкаларни оптималлаштириш ҳисобига солиқ тушумлари самарадорлиги ортиши;

мавжуд имтиёзларни манзиллилигини ошириш пировардида самарасиз имтиёзларни бекор қилиш эвазига солиқ базасининг кенгайтириши каби омилларга боғлиқ бўлган.

Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш (КБХТССТ) самарадорлигини тадқиқ қилишга тизимли ёндашувни қўллаш учун тизим элементлари ва уларнинг ўртасидаги ўзаро ички алоқадорликни аниқлаш лозим. Худудлардаги КБХТССТ нинг ҳудудий жиҳати, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш хусусиятларига боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда кўплаб иқтисодчилар томонидан КБХТССТ самарадорлигини баҳолашга бир қатор ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бироқ самарадорликни баҳолашга оид махсус ёндашувларнинг амалий интерпретацияси циклик тавсифга эга бўлиб, тез ўзгарувчан бозор шароитида бошқа иқтисодий ва молиявий омиллар таъсиридаги ёндашувларга эҳтиёж туғилмоқда.

КБХТССТ мақсадли самарадорлигини баҳолашда бир қатор кетма-кет ҳаракатларни шакллантириш, илмий муаммо гипотезасини ҳосил қилиш учун биринчи навбатда якуний натижанинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

КБХТССТ мақсадли самарадорлиги ҳудудларда белгиланган фискаль, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар оптимал таъминланишини миқдорий кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирувчи натижалар мажмуасидир.

КБХТССТ мақсадли самарадорлиги қуйидаги ўзгарувчилар компонентидан ташкил топади:

солиқ тушумларини ўсиш суръати:  $T_p(СД)$  (фискаль кўрсаткич);

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯХМдаги улушининг ўсиш суръати  $T_p(ЯХМ_{кбхмс})$  (иқтисодий кўрсаткич);

кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати  $T_p(АБ_{кбхмс})$  (ижтимоий кўрсаткич);

ҳудуд учун устувор бўлган тармоқ ва соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиш суръати  $T_p(КБС_{кбхмс})$  (ҳудудий кўрсаткич).

Демак, КБХТССТ самарадорлигининг мақсадли функцияси ( $Y$ ) қуйидаги ўзгарувчилар компонентидан иборат математик функцияни ўзида мужассамлаштиради.

$$Y=f(T_p(СД), T_p(ЯХМ_{кбхмс}), T_p(АБ_{кбхмс}), T_p(КБС_{кбхмс})) \quad (1)$$

Ҳар бир ўзгарувчи ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бу, ўз навбатида, соҳа тараққиёти учун ҳудудлар кесимида қўйиладиган вазифаларга ҳам боғлиқ. Иқтисодий, фискаль, ижтимоий мақсадлар устуворлигига асосланган ҳолда мақсадли функцияни қайта тизимлаштиришда ўзгарувчилар вазни кўрсаткичини киритиш мумкин. Ушбу ҳолатда юқоридаги математик функцияни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y=V_1 * T_p(СД) + V_2 * T_p(ЯХМ_{кбхмс}) + V_3 * T_p(АБ_{кбхмс}) + V_4 * T_p(КБС_{кбхмс}) \quad (2)$$

Бу ерда,  $V_i$  – натижавий омил шаклланишида ҳар бир ўзгарувчининг вазни ҳисобланиб, унинг йиғиндиси қуйидагига тенгдир:

Бу ерда,  $V_i$  – натижавий омил шаклланишида ҳар бир ўзгарувчининг вазни ҳисобланиб, ушбу вазнлар йиғиндиси 1 га тенгдир. Лекин ушбу вазнларнинг компонентлар бўйича солиштирма оғирлиги ҳудудлар иқтисодиёти тармоқ таркиби ва ушбу тармоқлардаги ялпи ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектлари улуши ва сонининг ўзгаришига боғлиқдир.

Бухоро вилоятида соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган солиқ тушумлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модель тузилган. Мазкур модель ҳар бир солиқ тўловчи субъектнинг улуши, иқтисодий ҳолат ўзгариши билан улар хатти-ҳаракатини аниқлаб беради.

Кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

натижавий омил – Бухоро вилоятида соддалаштирилган солиқлар бўйича тушумлар ҳажми, млн. сўм ( $Y$ );

